



# Vaziyat

2023 йил  
9 март  
№ 10 (899)



Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги нашри ○

Газета 2004 йил 7 майдан чиқа бошлаган



## ТАНТАНАЛИ ТАДБИР

4 март – Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ташкил этилганлигининг 27 йиллиги муносабати билан вазирлик Марказий аппаратида тантанали байрам тадбири ташкил этилди.

Унда вазирлик раҳбарияти, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик кенгаши, Миллий гвардия масъул вакиллари, ФВВ бош бошқарма, бошқарма, мустақил бўлим ва хизматлар раҳбарлари, ҳарбий хизматчи ва хизматчилар, вазирлик тизими фахрийлари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этдилар.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазири генерал-майор А.Қўлдошев сўзга чиқиб, ўтган давр мобайнида ФВВ тизимида амалга ошириб келинаётган ислохотлар ва уларнинг самарали натижаларига тўхталиб ўтди. Ўз навбатида, байрам муносабати билан шахсий таркибни қизгин муборакбод этди.

Тантана доирасида бир гуруҳ ҳарбий хизматчилар ва хизматчиларга “Аъло хизматлари учун” кўкрак нишонлари, эсдалик қўл соатлари ҳамда фахрий ёрлиқлар тантанали топширилди.

Тадбир якунида вазирлик Назорат комиссияси ва Фахрийлар кенгаши раиси, истеъфодаги полковник Э.Икромов сўз олиб, вазирлик тизимида олиб борилаётган кадрлар сиёсати, тизим ходимларининг халқ билан ҳамкорлигини юқори баҳолади. Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлардаги Фавқулодда вазиятлар бошқармалари бугунги кунда юртимизда амалга оширилаётган ислохотларда халқ ва давлат ўртасида, чинакам маънода, мувофиқлаштирувчи кўприк бўлаётганлигини таъкидлаб, барчани Кенгаш номидан чин дилдан муборакбод этди.

Тантана якунида ФВВ Академияси оркестрининг хушовоз хонандалари ва созандалари томонидан ижро этилган дилрабо куй-қўшиқлар барчага бирдек манзур бўлиб, даврага янада файз киритди.

ФВВ Матбуот хизмати.



Янги Ўзбекистонни барпо этишда, Учинчи Ренессанс бунёдкори бўлган ёш авлодни тарбиялашда сизларга, сизларнинг буюк мураббийлик фазилатларингизга таянамиз.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,  
Ўзбекистон Республикаси Президенти

## ХОТИН-ҚИЗЛАРГА ЭҲТИРОМ

Фавқулодда вазиятлар вазирлиги мажлислар залида 8 март – Халқаро хотин-қизлар куни байрамига бағишланган тантанали тадбир бўлиб ўтди. Унда вазирлик раҳбарияти, ҳарбий хизматчи ва хизматчилар, хотин-қизлар жамоаси иштирок этдилар.



Тадбирни Фавқулодда вазиятлар вазири генерал-майор Абдулла Қўлдошев кириш сўзи билан очди ва ўз сўзида вазирлик тизими ҳарбий хизматчи ҳамда хизматчи хотин-қизларининг бугунги ислохотлар жараёнидаги фаол иштирокини алоҳида эътироф этди. Хотин-қизларни байрам муносабати билан қизгин муборакбод этди.

Байрам муносабати билан вазирлик Сейсмопрогностик мониторинг республика маркази гуруҳ бошлиғи Холида Турсунходжаева давлатимиз

раҳбарияти томонидан “Мўътабар аёл” кўкрак нишонини билан тақдирланди. Мукофотни Фавқулодда вазиятлар вазири тантанали равишда топширди.

Тадбир якунида вазирлик хотин-қизлари пул мукофотлари ва эсдалик совғалар билан тақдирландилар. Шунингдек, концерт дастуридан жой олган дилрабо куй-қўшиқлар хотин-қизларга чинакам байрам завқини улашди.

ФВВ Матбуот хизмати.





Тошкент ҳарбий прокуратураси Оҳангарон туман ҳокимлиги билан ҳамкорликда Наврӯз байрами арафасида Ёшлар сайли ташкил этилди.

## ЁШЛАР САЙЛИ



Мазкур тадбирда маҳалла аҳолиси, мактаб ўқувчилари, шунингдек, туманда жойлашган Мудофаа вазирлиги ва ДХХ Чегара қўшинларига қарашли ҳарбий қисм ҳарбий хизматчилари иштирок этди.

Туман ҳокими А.Абдуллаев ҳамда Тошкент ҳарбий прокурори А.Бобоев йиғилганларни яқинлашиб келаётган Наврӯз умумхалқ байрами билан қутлаб, халқ ва армия бир тану бир жон эканлигини таъкидлашди.

Кеча давомида жанговар ҳарбий техникалар, қуроллар ва аслаҳалар, ҳарбий хизматчилар томонидан тайёрланган чиқишлар намойиш этилди. Тумандаги мактаб ўқувчилари ҳамда маҳалла ёшлари ўртасида велоқросс бўйича мусобақа ўтказилиб, ғолибларга эсдалик совғалари топширилди.

Ёшлар маркази ҳовлисида тайёрланган сумалак ва турли баҳорий таомлар дастурхонларга тортилди.

Қуролли Кучлар Академияси оркестр жамоаси томонидан эжро этилган куй-қўшиқлар ёшлар ва маҳалла аҳолисига хуш кайфият улашди.

**Фаррух САЙСУЛТАНОВ,**  
Тошкент ҳарбий прокурорининг ўринбосари, адлия майори.

## МЕҲНАТ ЯРМАРКАСИ

Жиззах ҳарбий прокуратураси ташаббуси билан Жиззах шаҳрида жойлашган “Ишга марҳамат” мономарказида ҳарбий хизматчиларнинг иш билан банд бўлмаган оила аъзолари бандлигини таъминлаш мақсадида меҳнат ярмаркаси ўтказилди.

Тадбирда ҳарбий хизматчилар оила аъзолари касб-хунар ва тадбиркорлик кўникмаларига ўқитиш, уларни доимий даромад келтирадиган меҳнат ва тадбиркорлик фаолиятига жалб қилиш орқали бандлигини таъминлаш мақсадида мономарказ фаолияти, ўқитиш йўналишлари билан таништирилди. Иштирокчиларнинг 15 нафарига марказда ўзлари танлаган йўналишлар бўйича имтиёзли йўлланмалар берилди. Келиб тушган мурожаатлар бўйича 18 нафар шахснинг



ишга жойлаштирилиши таъминланди.

Тадбир доирасида Жиззах ҳарбий прокурори томонидан оммавий сайёр қабул ҳам ўтказилди. Унда 100 нафардан ортиқ ҳарбий хизматчилар, уларнинг оила аъзолари ва фуқаролар қатнашди. Иштирокчилар томонидан берилган мурожаатларнинг 7 таси шу жойнинг ўзида ижобий ҳал қилинган бўлса, 18 та мурожаат бўйича тегишли соҳа мутахассислари томонидан тушунтириш берилди. Қўшимча муддат талаб қилинадиган яна 5 та мурожаат назоратга олиниб, мутасадди ташкилотларга юборилди.

**Фаррух ДЖУМАЕВ,**  
Жиззах ҳарбий прокурорининг ўринбосари, адлия подполковниги.

Наманган ҳарбий прокуратураси томонидан Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бошқармаси билан ҳамкорликда Янги Наманган туманидаги Чақирилувчиларни техника мутахассислиги бўйича тайёрлаш марказида оммавий сайёр қабул ҳамда меҳнат ярмаркаси ўтказилди.



## ҲАМКОРЛИК

Тадбирга тумандаги ташкилот ва идоралардан тегишли соҳа мутахассислари жалб қилинди. Миллий гвардия ва ИИВга қарашли ҳарбий қисмлар, туман фавқулодда вазиятлар, қўриқлаш ва мудофаа ишлари бўлимларида хизмат қилаётган ҳарбий хизматчилар, Қуролли Кучлар хизматчилари, уларнинг оила

аъзолари ҳамда ҳарбий пенсионерлар ва фуқаролар қатнашган сайёр қабулда ишга жойлашиш, имтиёзли уй-жойга эга бўлиш ва бошқа масалаларда 18 та мурожаат қабул қилинди. Шундан 11 та мурожаат жойида қаноатлантирилди, 3 та мурожаат бўйича ҳуқуқий тушунтириш берилди ва 4 та мурожаат тегишлилиги бўйича юборилди.

“Бўш иш ўринлари” меҳнат ярмаркасида 42 та корхона ва ташкилот ўзининг 790 та бўш иш ўринлари билан иштирок этди.

Унда фуқаролардан 16 нафарининг доимий бандлиги таъминланди. 32 нафар фуқарога турли корхона ва ташкилотларда ишлаш бўйича йўлланма, 49 нафарига ҳуқуқий маслаҳат берилди.

**Қурбондурди ПОЛВОННАЗИРОВ,**  
Наманган ҳарбий прокурорининг ёрдамчиси, адлия капитани.

Қарши ҳарбий прокуратураси томонидан Муборак туманида жойлашган ҳарбий қисмнинг мажлислар залида оммавий сайёр қабул ўтказилди.

## САЙЁР ҚАБУЛ

Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари, ёшлар, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларининг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини амалга оширишда ёрдам кўрсатиш ҳамда ҳарбий хизматчиларнинг оиласи ва ёшларни иш билан таъминлаш мақсадида, ташкил этилган қабул жараёнига туман ҳокимлиги ходимлари ва мутасадди соҳа мутахассислари жалб қилинди. Шу билан бирга, тумандаги ҳарбий қисм ва муассасаларда хизмат қилаётган ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари, ҳарбий пенсионерлар ҳамда уюшмаган ёшларнинг иштироки таъминланди.

Қабулда ишга жойлашиш, имтиёзли уй-жойга эга бўлиш, сафарбарлик чақируви йи-

ғинида хизматни ўташ учун шартнома пулларини тўлашда амалий ёрдам кўрсатиш ҳамда тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш каби масалаларга оид 32 та мурожаатнинг қаноатлантирилди. Шунингдек, 25 таси назоратга олинган ҳолда тегишли ташкилотга йўналтирилди ва 5 та мурожаатчиға ҳуқуқий тушунтиришлар берилди.

Қолаверса, қабул давомида ҳарбий хизматчиларни маънавий юксалтириш, ёшларнинг китобга бўлган қизиқишини янада ошириш мақсадида китоблар ярмаркаси ҳам ташкил этилди.

**Нодирбек ИСМОИЛОВ,**  
Қарши ҳарбий прокурорининг ёрдамчиси, адлия лейтенанти.

## MULOQOT



**Shahrisabz “Temurbeklar maktabi” harbiy akademik litseyida Qarshi harbiy sudi raisi ishtirokida “Inson huquqlari – oliy qadriyat” mavzusida uchrashuv bo‘lib o‘tdi.**

Uchrashuv davomida jinoyatchilikka qarshi kurash, uning oldini olish va hozirgi kunda respublikamizda sud tizimida olib borilayotgan islohotlar, ulaming mazmun-mohiyati haqida so‘z yuritildi.

O‘quvchi va o‘qituv-

chilar tomonidan berilgan savollarga javob berildi.

**Dilshod QAYUMOV,**  
Qarshi harbiy sudi raisi.  
**Rustam ISMOILOV,**  
Prokuror yordamchisi, adliya mayori.





Наманган шаҳридаги 22-умумтаълим мактаби ўқувчилари иштирокида “Генерал ва ёшлар” учрашуви бўлиб ўтди.

## УЧРАШУВ

Маъмур тадбирда генерал-майор Қосимали Аҳмедов ўзининг ҳарбий соҳада эришган ютуқлари, босиб ўтган шарафли йўли хусусида сўз юритди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Фавқулудда вазиятлар вазирлиги тизимида ёшларга оид юритилаётган сиёсат, уларга яратилган шарт-шароит ва имкониятлар ҳақида муҳим ва долзарб фикр-мулоҳазаларини билдирди. Ўқувчиларнинг спорт турлари билан шуғулланиш жараёнлари билан яқиндан танишди. Болалар ясаган буюмлар, улар чизган расмлари ва ижодини кузатиб, ўзининг илиқ фикрларини баён этди.

Учрашув давомида ФВВ тизимида олиб борилаётган ислохотлар юзасидан тайёрланган видеоларга намойиш этилиб, ўқувчиларнинг қизиқтирган саволларига жавоб берилди.

Бундан ташқари, ёнғин, чақнаш, исгаздан, овқатдан заҳарланиш ва бошқа фавқулудда вазиятларнинг олдини олиш бўйича суҳбатлар ўтказилиб, тушунтиришлар олиб борилди.

Тадбир якунида таълим даргоҳининг фан олимпиадасида юқори натижа кўрсатган, спорт соҳасида фахрли ўринларни қўлга киритган бир қатор ёшларига генерал-майор Қосимали Аҳмедов томонидан эсдалик совғалари топширилди.

**Ҳакимжон ҲОЖИМАТОВ,**  
Наманган вилояти ФВБ КТВаМИБ  
бошлиғи, капитан.  
**Мурод МУЛЛАБОЕВ,**  
Наманган шаҳар ФВ бўлими бошлиғи  
в.в.б., подполковник.

Норин тумани ФВ бўлими ходимлари учун Наманган ҳарбий прокурори полковник Д.Раҳмонов ва туман ҳокими Ж.Нурматовлар иштирокида сайёр қабул ўтказилди.

## ДОЛЗАРБ МАВЗУДА

Унда Миллий Гвардия Наманган бошқармаси, туман қўриқлаш бўлими ходимлари иштирок этишди.

Қабул давомида ҳарбий хизматчи ва хизматчиларга ишдан бўш вақтда тадбиркорлик, хунармандчилик ҳамда деҳқончилик билан шуғулланиш учун яратилаётган имкониятлар хусусида фикр юритилди.

Ажратилаётган имтиёзли кредитлар ва уларни олиш тартиблари, уй-жой таъминоти, фарзандларни квота асосида олий ўқув юртларига қабул қилиш ва бошқа масалалар бўйича тушунчалар берилди.

**Б.МАМАДАЛИЕВ,**  
Норин тумани ФВ бўлими  
бошлиғи ўринбосари,  
капитан.



Бухоро вилояти Мудофаа ишлари бошқармасида Бухоро ҳарбий прокуратураси ташаббуси билан ўқув машғулоти ўтказилди.



## ТАКЛИФ ВА ЕЧИМ

Прокурор-тергов ходимлари ва Бухоро гарнизони ҳудудидаги ҳарбий қисм ҳамда муассасаларнинг терговга қадар текширувни амалга оширувчи мансабдор шахсларнинг тергов соҳасидаги кўникмаларини ошириш мақсадида ташкил этилган тадбирда суд-тиббий экспертизаси, Миллий гвардия, ИИБ, шунингдек, вилоят ФВБ мутахассислари иштирок этди.

Ўқув машғулоти давомида иштирокчиларга вилоят ИИБ Эксперт криминалистика марказининг криминалистик лаборатория махсус автомобили ҳамда вилоят ФВБ махсус автомобиллари таништирилди.

Ушбу махсус автомобиллар ва уларнинг қўшимча жиҳозлари бўйича тушунтиришлар берилди. Иштирокчилар ўзларининг қизиқтирган саволларига жавоб олишди.

**Дилмурод КўМАКОВ,**  
Бухоро вилояти ФВБ ЁТМ бошлиғи  
ўринбосари, капитан.

Фарғ'она Халқаро аэропорти yaqinidagi “Ilg'or” MFY hududida barpo etilayotgan “Ekoshahar”da Press-tur tashkil etildi. Unda viloyat hududida faoliyat olib borayotgan OAV vakillari ishtirok etdi.

Tadbir davomida viloyat FVB normativ-texnik bo'limi xodimlari tomonidan loyihalash va qurilish ishlari jarayonida yong'inlarning oldini olish chora-tadbirlarining bajarilishi hamda me'yoriy-texnik ekspertiza ishlari olib borilishini nazorat qilish va tashkillashtirish borasida amalga oshirilayotgan ishlar yuzasidan ma'lumotlar berildi.

2023-yilning yanvar oyi davomida viloyat hududi-

## PRESS-TUR

dagi 64 ta qurilish obyektlari ro'yxatga olingan bo'lib, shulardan 58 tasi yangi qurilayotgan, 5 tasi rekonstruksiya qilinayotgan va 1 tasi kapital ta'mirlanayotgan obyektlardir. Tekshirish hamda o'rganishlar jarayonida o'z vaqtida bajarilmay qolgan tadbirlar hamda muammoli masalalar yuzasidan viloyat, shahar va tuman

hokimliklari hamda tegishli tashkilotlarga 20 marotaba axborotnomalar kiritilgan.

Tadbir davomida aniqlangan kamchiliklarni bartaraf etish yuzasidan mutaxassislariga tegishli taklif hamda ko'rsatmalar berildi.

**Ahliidin ALIJONOV,**  
Farg'ona viloyati FVB OAV  
va JTBHQG boshlig'i,  
katta leytenant.



Davlat yong'in nazorati organlari xodimlariga qonunchilikda kiritilayotgan o'zgartirishlar, qabul qilina-yotgan me'yoriy-huquqiy hujjatlar talablarini tushuntirish maqsadida o'quv-seminar o'tkazildi.

## O'QUV-SEMINAR

Seminarda “Qurilish-montaj ishlari tugallangan obyektдан foydalanish uchun ruxsatnoma berish” yuzasidan murojaat kelib tushgandan so'ng uch ish kunida obyekt joyiga chiqib o'rganilishi tushuntirib o'tildi. O'rganishda loyiha hujjatlariga kiritilgan yong'in xavfsizligi chora-tadbirlari bajarilganligi, ya'ni atrofdagi binolar bilan yong'inga qarshi oraliq masofalar saqlanganligi, binodagi evakuatsiya yo'llari hamda chiqish eshiklari, tashqi va ichki yong'in o'chirish

suv tarmoqlari, yong'in avtomatikasi, qurilish materiallarining olovga bardoshlilik darajalariga alohida e'tibor qaratiladi. O'rganish yakuni bo'yicha ijobiy yoki salbiy xulosalarni elektron raqamli imzo bilan tasdiqlagan holda vakolatli organga yuborish tartibi bo'yicha o'quv ko'nikmalar berildi.

**A.SAIDMURODOV,**  
Samarqand viloyati  
FVB NTB boshlig'i,  
podpolkovnik.



“Қамчиқ” махсус қидирув, ёнғин-қутқарув бошқармасида Фавқуллода вазиятлар вазирлигининг 27 йиллиги муносабати билан тантанали тадбир ташкил этилди.

## ЭСДАЛИК СОВҒАЛАРИ ТОПШИРИЛДИ



Тадбирда бошқарма бошлиғи полковник Х.Бононов сўзга чиқиб, шахсий таркибни 4 март – Фавқуллода вазиятлар вазирлиги ташкил топган кун муносабати билан қизгин қутлади.

Шундан сўнг бошқарма шахсий таркиби ўрта-сида ўтказилган спорт мусобақалари ғолиблари ҳамда хизмат давомида ўзининг намунали хулқи ва меҳнатсеварлиги билан бошқаларга ўрнак бўлиб келаётган бир гуруҳ ходимларга эсдалик совғалари топширилди.

**Ш.АБДУСАТТОВА,**  
“Қамчиқ” МКҲҚБ етакчи мутахассиси.

Қуйичирчиқ тумани “Ибрат” маҳалласидаги ўйингоҳда бўлиб ўтган сумалак сайлида футбол, волейбол, баскетбол, армрестлинг, белбоғли ва эркин кураш, шахмат каби спорт турлари бўйича мусобақалар ташкил этилди.

## ҚИЗГИН БЕЛЛАШУВЛАР



Тадбирда туман ҳокими Акмал Холмуродов сўзга чиқди. Тинчлик ҳукмрон бўлган юртга мана шундай чиройли байрамлар ярашиши ҳамда ҳар бир мутасадди ташкилот бир ёқадан бош чиқариб, ушбу тадбирларга ўз хиссасини қўшиши лозимлигини таъкидлади.

Тадбир давомида туман мусиқа ва санъат мактаби тарбияланувчилари ҳамда маҳалла аҳолиси томонидан намойиш этилган турли саҳна кўринишлари йиғилганларга баҳорий кайфият улашди.

Мусобақа ғолибларига туман ҳокимлигининг дипломи ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

**Э.ЖУМАБОЕВ,**  
Қуйичирчиқ тумани ФВ бўлими бўлинма бошлиғи, катта лейтенант.  
**А.ИЛҲОМЖОНОВ,**  
Пискент тумани ФВ бўлими бошлиғи ўринбосари, капитан.

ФВВ ходимларининг касб байрами Сирдарё вилоятида ҳам кўтарики руҳда нишонланди.

Вилоят ФВБ да ташкил этилган тантанали тадбирда вилоят ҳокими – Фуқаро муҳофазаси бошлиғи, сектор раҳбарлари, ФВБ раҳбарияти, ҳарбий хизматчилар, фахрийлар қатнашдилар.

Тадбирда сўзга чиққанлар томонидан ФВВ тизимида сўнгги йилларда амалга оширилаётган ислохотлар, қўлга киритилган ютуқлар, аҳоли хавфсизлиги ва хотиржамлиги йўлида олиб борилган машаққатли меҳнатларнинг самараси эътироф этилди. Шунингдек, ФВВ тизими ходимлари ҳамда фахрийларга йўлланган байрам табриги ўқиб эшиттирилди.

Тантана давомида Ватан ва халқ манфаатлари йўлидаги масъулиятли ва шарафли хизмати давомида юқори натижаларни

## САНАГА БАҒИШЛАНДИ



**Давронбек СУЛАЙМОНОВ,**  
Сирдарё вилояти ФВБ ахборот хизмати бошлиғи, катта лейтенант.  
**Шароф ЖўРАЕВ,**  
Сардоба тумани ФВ бўлими бошлиғи, катта лейтенант.

қайд этган бир гуруҳ ходимлар эсдалик нишонлар ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланишди.

## ПРОФИЛАКТИКА

Сергели тумани ФВ бўлими ходимлари томонидан жами 46 та маҳалладан 12 таси, яъни 630 та аҳоли яшаш хонадонлари ҳамкорликдаги хизматлар билан ўрганилди.

1240 нафар фуқаро би-

лан ёнғин хавфсизлиги бўйича йўриқнома ўтилди. Аниқланган камчиликларнинг жойида бартараф этилишига эришилди. Бартараф қилиниши вақт талаб этадиган камчиликлар юзасидан ҳамкорликдаги хизматлар, газ

таъминоти, туман электр тармоқлари корхонаси ҳамда маҳаллаларга тақдимномалар, шунингдек, туман ҳокимиятига амалга оширилган ишлар юзасидан ахборотномалар киритилмоқда.

**Нодир УСМОНОВ,**  
Сергели тумани ФВ бўлими бошлиғи ўринбосари, майор.

## МАРКАЗ КУБОГИ

Навоий кон-металлургия комбинатида Ёнғин хавфсизлиги маркази бошлиғи кубоги мусобақаси бўлиб ўтди. Унда волейбол тури бўйича марказга бевосита бўйсунувчи Учқудуқ, Зарафшон, Навоий саноат майдони ва Зафаробод қўрғонидаги комбинатга қарашли объектларни ёнғиндан муҳофаза қилувчи ёнғин хавфсизлиги бўлимларининг терма жамоалари ўзаро баҳс олиб боришди.

Беллашувда 4 та жамоадан 50 нафар ҳарбий хизматчи ҳамда хизматчилар иштирок этишди. Муросасиз кечган баҳслар яку-

нига кўра, Марказий кон бошқармаси объектларида ёнғин хавфсизлигини таъминлашни ташкил этиш бўлими терма жамоаси (Зарафшон) 1-ўринни эгаллаган бўлса, Навоий саноат майдони ва Жанубий кон бошқармаси объектларида ёнғин хавфсизлигини таъминлашни ташкил этиш бўлими терма жамоаси 2-ўринни қўлга киритди. Шимолий кон бошқармаси объектларида ёнғин хавфсизлигини таъминлашни



ташкил этиш бўлими 3-ўринга сазовор бўлди.

Ғолиблар, совринли ўринларни эгаллаган жамоалар ҳамда ходимлар НКМК Ёнғин хавфсизлигини таъминлашни ташкил этиш марказининг медал, фахрий ёрлиқ, қимматбаҳо совғалари ва кубоги билан тақдирланишди.

**Дилшод БАХРАНОВ,**  
марказ бўлим катта инспектори, подполковник.  
**Маъруфжон ҲАЙИТОВ,**  
НКМК ЁХТТЭМ гуруҳ бошлиғи, катта сержант.

## АҲОЛИ МУҲОФАЗАСИ

Яшнобод тумани Тиббиёт бирлашмаси ҳамда 1-, 2-автобус саройларида зилзила билан боғлиқ фавқуллода вазиятларда ходимлар ҳамда раҳбариятнинг ҳаракати бўйича тарғибот ишлари амалга оширилди.

Тадбир давомида ер силкинганда саросимага тушмаслик, зилзила вақтида энг мустаҳкам, зилзилага чидамли жойларни белгилаш, табиий офатга олдиндан тайёр бўлиш, шунингдек, зарур анжом-аслаҳалар, яъни электр чироқ, хуштак, гургут, аптечка, 3 кунлик озиқ-овқат ҳамда зарур хужжатларнинг тайинли жойда

туриши лозимлиги айтиб ўтилди.

Зилзила вақтида инсон ҳаётига хавф туғдирмаслиги учун хона мебелларини деворга қотириш кераклиги бўйича тушунчалар берилди.

**А.ЗИЯБЕКОВ,**  
Яшнобод тумани ФВ бўлими бошлиғи ўринбосари, подполковник.



## Матонат соҳибалари

## ОМАД ЁР БЎЛСИН, АЛЬБИНА!

Соғлом фарзанднинг дунёга келиши, кучли ҳамда бақувват бўлиб улғайиши Ватан келажиги учун муҳим аҳамиятга эга. Бу эса аёлларга янада кўпроқ эътибор қаратиш, уларни қадрлаш, қўллаб-қувватлаш, турли касалликлардан ҳимоя қилиш, асраб-авайлаш ва энг муҳими, спорт соҳасига жалб этишни тақозо этади. Инсоннинг баркамол шахс сифатида шаклланиши, саломатлигининг мустақамланишида жисмоний тарбия ҳамда спортнинг тутган ўрни бениҳоя каттадир. Буни теран англаган Ильдус Бариев қизларининг қалбида спортга нисбатан кучли меҳрни шакллантиришни уйдалади. Чунки унинг ўзи ҳам ФВВ Академияси (собиқ ИИВ Ёнғин хавфсизлиги институти) “Жисмоний ва жанговар тайёргарлик” кафедрасида фаолият юритган.



И.Бариев фавқуллода вазиятларда ҳарбий-жанговар вазифаларни бажаришда ҳарбий саф, хизмат ва жанговар тайёргарлик машғулотлари, жисмоний чиниқтириш бўйича курсантларга сабоқ бериш билан бир қаторда фарзандларига ҳам ўт ўчирувчилик касбининг сир-асрорлари ҳақида сўзлаб беради, шунингдек, спорт соҳаси тубсиз уммон ичидаги кенг ва бепоён олам эканлиги, спортчи эса ана шу уммонда ўз дунёсини яратиши муҳимлигини айтарди. Қолаверса, Эльмира Чеботарёва ҳам ўт ўчирувчи соҳаси ва спортни жуда қадрлаганлиги боис, турмуш ўртоғининг фикрларини қўллаб-қувватлаган, қизларини спорт билан мунтазам шуғулланишига ундаган.

Бу оилада камолга етаётган фарзандларни спортга йўналтириш учун эл таниган, спорт соҳаси ва ҳаётда ўз ўрнига эга бўлган инсонлар ҳақида суҳбатлар қўрилган. Спорт чўққиларини эгаллаш ҳар бир шахсдан ўта иродали бўлишни тақозо қилиши айтилган. Демак, бу оиладаги фарзандлар оилада жисмоний тайёргарлик, жисмоний тарбия саломатлик, жисмоний етуқликнинг асоси эканлигини тўлақонли тушуниб этишган.

Мана шундай фикрларни тинглаб ўсаётган Альбинанинг кўнглида ҳам спортга нисбатан кучли меҳр пайдо бўлган ва у ўз орзулари сари дадил қадам ташлаб, босқичма-босқич спорт сирларини эгаллаб борган.

Мақоламиз қаҳрамони – Альбина Бариева пойтахтимизнинг Учтепа туманидаги 228-умумтаълим мактабида таҳсил олаётган кезларида ҳам турли тадбир ҳамда беллашувларда, мурасасиз курашларга бой бўлган мусобақаларда иштирок этишни



бошлаган. Инсоннинг жисмонан ва руҳан чиниқишига хизмат қиладиган спорт соҳасидаги ўзига хос қийинчиликлар йўлида орта чекинмасдан, чексиз орзуларига эришишда ўзининг тоғдек саботини намоён этган.

– Энг аввало, ҳар бир инсон, ҳар бир спортчи ўз олдига аниқ мақсад қўйиши лозим, – дейди Альбина Бариева. – Ўзи учун ўзи ҳаракат қилиши зарур. Чекинмаслиги керак. Спорт салбий, руҳий таъсирлар, ақлий чарчашни бартараф этиш воситаси сифатида хизмат қилади. Қолаверса, жисмоний машқлар натижасида инсоннинг иш қобилияти ошиб, қон айланиш тизими яхшиланади.

Альбина Бариева 2010 йилдан

буён Тошкент шаҳар ФВБ Чилонзор тумани ФВ бўлимига қарашли ҳарбийлаштирилган 13-ёнғин-қутқарув қисмида диспетчер лавозимида ўз хизмат фаолиятини давом эттириб келмоқда. Биламизки, диспетчер ва ўт ўчириш экипажи аъзоларининг иши бир-бири билан чамбарчас боғлиқ. Чунки, қутқарув ишида куч ва воситаларни бошқариш диспетчернинг уларга йўлланма беришидан бошланади. “Диққат, барчага!” тугмаси босилади ва шахсий таркиб зудлик билан қисмдан чиқиб, ёнғин жойига отланиши керак бўлади.

– Маълумки, ўт ўчирувчи ёнғинларни ўчириш, воқеа ҳудудида қолган инсонлар ҳамда юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулкни қутқариш ишларини амалга оширади, – дейди А.Бариева. – Ёнғин-қутқарувчилар бир-бирига суяниб ҳаракат қилгани учун жамоада ҳамisha интизом, иноқлик ҳукмрон бўлади. Содир бўлган ёнғинни ўчириб келган ёки бир одамни аланга ичидан олиб чиққан ёнғин-қутқарувчи ўзини руҳан энгил ҳис қилади. Тизим ходимларининг ёнғин ўчириш воситаларини тезкорлик ва чаққонлик билан қўллаб, инсонлар ҳаётини қутқариш, уларнинг мол-мулкларини асраб қолиш, Ватан ва халқ олдидаги бурчларини бажариш, жисмонан соғлом, чаққон ва чидамли бўлиб шаклланишида спорт мусобақаларининг ўрни беқиёс.

Дарҳақиқат, Фавқуллода вазиятлар вазирлиги тизимида ёнғин-қутқарув қисмларининг шахсий таркиби ўртасида бир неча йиллардан буён ёнғин ўчириш амалий спорт мусобақаларини ўтказиш анъана тусини олган.

Альбина Бариева ҳам қатор мусобақаларда вазирлик ҳарбий хотин-қизлари жамоаси таркибида фаол иштирок этмоқда. Қаҳрамонимиз бугунги кунда беллашувларда тобора тобланиб, ишғол қилиш нарвони орқали ўқув минорасининг 2-қаватига кўтарилиш, Ёнғин ўчириш эстафетаси, 100 метрга тўсиқлар оша югуриш ва жанговар ёйилиш турлари бўйича яхши натижаларга эришишга интиломда. Ушбу йўналишда ўтказилган чемпионатнинг энг қизиқарли, эпчиллик ва маҳорат намойиш этиладиган турларидан бири – ёнғин ўчириш эстафетаси бўйича ўтказиладиган беллашувда А.Бариева жамоаси ғалаба ва совринли ўринлардан бенасиб қолмайди, албатта.

Хусусан, 2022 йилда ташкил этилган Ёнғин ўчириш амалий спорт мусобақасида ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг 30 йиллиги муносабати билан ташкил этилган 10 км.га югуриш марафони жараёнида А.Бариева ўзига хос спорт маҳорати, иродаси ва билимини яққол намоён қилди.

Жиззах вилоятининг Форишдаги ҳарбий дала полигонидида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари тузилмаларида фаолият юритаётган ҳарбий хотин-қизлар ўртасида “Ватан



меҳри юрагимда” шиори остида “Тўмарис издошлари – 2022” танловининг республика босқичида ФВВнинг бир гуруҳ спортчи ҳарбий хотин-қизлари ҳам иштирок этиб, Тўмарис сиймосини гавдалантирган ҳолда ўзларини таништириш, ўқ отиш амалий машқи, ярадорларни жанг майдонидан олиб чиқиш, 800x400x200x100 метр масофаларга эстафетали югуриш, эркин услубда 50 метр масофага сузиш, дала шароитида мазали таом тайёрлаш сингари шартларда ҳакамлар ҳайъати ва бошқа иштирокчиларнинг олқиш ҳамда эътирофларига сазовор бўлдилар.

А.Бариева ҳам Ўзбекистон Республикаси Мудофаа, Ички ишлар вазирликлари, Миллий гвардия, Давлат божхона қўмитаси тизими ҳарбий хотин-қизлари қатори Фавқуллода вазиятлар вазирлигининг 10 нафар ҳарбий аёли сафида туриб, беллашувларда ўзининг нақадар жасоратли ва матонатли ҳарбий хизматчи аёл эканлигини амалда исботлади.

Тадбир қизгин, мурасасиз, шу билан бирга, самимий ҳамда дўстона руҳда кечди. Ҳарбий хотин-қизлар майдонда гарчи бир-бирларига рақиб бўлсалар-да, аслида, чинакам сафдош, опа-сингилдек аҳил ҳаракат қилиб, бир-бирларидан хизмат сирлари ва тажрибаларини ўргандилар. Ана шундай фойдали ва мазмунли беллашувларнинг якуний натижаларига кўра, Фавқуллода вазиятлар вазирлиги ҳарбий хотин-қизлар жамоаси “Энг фаол вазирлик” номинацияси бўйича ғолиблик ва 10 миллион сўмлик сертификатни қўлга киритишди. Мана шундай юқори натижанинг қайд этилишида Альбина Бариеванинг ҳам муносиб ҳиссаси борлигини эътироф этиш лозим, албатта.

Фавқуллода вазиятлар вазирлиги тизимининг билимли ва ташаббускор, фаол ҳамда маҳоратли спортчи ходимларидан бири – оддий аскар Альбина Бариеванинг касбий фаолиятда эришган ютуқлари ҳақида кўп гапириш мумкин. Муҳими шундаки, бугун у аёл бўлишига қарамай, йигитлар билан бир сафда туриб, “Ўзбекистон халоскори” деган шарафли номни оқлаб келмоқда. Ўз навбатида, биз ҳам унга келгусидаги шарафли вазифа йўлида бугунгидек бардамлик, омад ва муваффақиятлар тилаб қоламиз.

Анвар ҚОБИЛОВ,  
“Vaziyat” мухбири.



FVV Akademiyasi huzuridagi Boshlang'ich tayyorgarlik va malaka oshirish markazida o'quv seminari tashkil etildi.

## HARBIY XIZMATNI O'TASHGA OID

U nda markaz kadrlar bo'linmasi boshlig'i v.v.b. podpolkovnik F.Mavlonov va O'TBIB katta ofitseri mayor S.Jumanovlar tomonidan O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "O'zbekiston Respublikasi fuqarolarining harbiy xizmatni o'tash tartibi to'g'risida"gi qarorining mazmun-mohiyati, unda keltirilgan ma'lumotlar hamda belgilab berilgan ustuvor vazifalar tushuntirildi, shuningdek, tinglovchilarning savollariga javob berildi.

J.SAIDOV,

FVV Akademiyasi huzuridagi BTva MOM bo'linma boshlig'i, podpolkovnik.

## KASALLIKKA QARSHI

F arg'ona viloyati Yoz-yovon tumanida "Odamlar va hayvonlar o'rtasida quturish kasalligining oldini olish" mavzusida maxsus-taktik o'quv mashg'uloti o'tkazildi.

O'quv mashqi nazariy hamda amaliy bosqichlarda tashkil etilib, unga tuman hokimligi, favqulodda vaziyatlar, SEOvaJS, veterinariya va chorvachilikni rivojlantirish bo'limlari, Obodonlashtirish boshqarmasining qarovsiz va daydi hayvonlarni tutish bo'linmasi, tibbiyot birlashmasining 61 nafar ishchi-xodimlari jalb etildi.

Mashq yakunlariga ko'ra, tumandagi mas'ul xizmatlar quturish kasalligi tarqalishining oldini olishga "Cheklangan tayyor" deb baholandi.

A.SOTVOLDIYEV,  
Yozyovon tumani FV bo'limi bo'linma boshlig'i, leytenant.

## TARG'IBOT

O'rtachirchiq tumani FV bo'limi tomonidan Elektr tarmoqlari, tumangaz korxonalar bilan hamkorlikda "O'rtasaroy" mahallasida targ'ibot-tashviqot ishlari olib borildi.

M azkur tadbir davomida aholi turar-joylarining yong'inga qarshi holati o'rganildi, is gazidan zaharlanishning oldini olishga oid tadbirlar xususida tushuntirishlar berildi.

A.ZOKIROV,  
O'rtachirchiq tumani FV bo'limi PvaNB inspektori, katta serjant.

FVV akademiyasi huzuridagi Fuqaro muhofazasi institutida Toshkent shahar Yunusobod tumanidagi 63-umumta'lim maktabi o'qituvchi va o'quvchilari ishtirokida o'quv mashg'ulotlari bo'lib o'tdi.

## SIMULYATSIYA MARKAZIDA



F avqulodda vaziyatlar Simulyatsiya markazida tashkil etilgan amaliy mashg'ulotlar davomida o'quvchilar "Zilzila simulyatori-trenajyori" va "Zilzila tarixi muzeyi" bilan yaqindan tanishib chiqdilar.

So'ng o'quvchilarga "Zilzila sodir bo'lganda to'g'ri harakat qilish" mavzusida malakali mu-

taxassislar tomonidan ma'ruzalar olib borildi. Mashg'ulot davomida o'quvchilar zilzila sodir bo'lganda to'g'ri harakat qilish yuzasidan o'z bilim va ko'nikmalarini oshirib savollariga javob olishdi.

O.TURDIYEVA  
Yunusobod tumanidagi 63-maktab o'qituvchisi.

## KO'RGAZMALI TARZDA

Farg'ona shahridagi 32-, 35-umumta'lim maktablari o'quvchilari uchun viloyat FVB xodimlari tomonidan ko'rgazmali tadbir tashkil etildi.

P odpolkovnik U.Ismoilov o'quvchilarga favqulodda vaziyatlarda to'g'ri harakat qilish va jabrlanganlarga yordam ko'rsatish to'g'risida tavsiyalar berdi.

Farg'ona harbiy prokurori Sh.Saidov tomonidan o'quvchi-yoshlarda Vatanga sadoqat tuyg'usi va huquqiy savodxonlikni oshirish, Qurolli Kuchlar tizimida olib borilayotgan islohotlar, harbiy xizmatchilar

hamda ularning oila a'zolariga yaratilayotgan sharoitlar yuzasidan tushunchalar berildi.

Tadbir davomida o'quvchilar tomonidan chodir tiklash, yuqori qavatli binolardan insonlarni qutqarish hamda saf tayyorgarligi mashqlari amalga ko'rsatib berildi.

A.ALIJONOV,  
Farg'ona viloyati FVB OAV va JTBHQQ boshlig'i, katta leytenant.

## HAZARIY VA AMALIY

Surxondarё viloyati, Angor tumanida "Odamlar va hayvonlar urtasida quturish kasalligi tarqalishining oldini olish tadbirlarida FVDТ хизматларининг ҳамкорликдаги ҳаракатлари" мавзусида амалий семинар ва махсус-тактик ўқув машқи бўлиб ўтди.

V iloyat FVB va tuman b'limi, Soғliқни saqlash boşqarmasi va tuman tibbiёт birlashmasi, SЭO va ЖС boşqarmasi hamda Veterinariya va chorvachilikni rivojlantirish, Obodonlashtirish boşqarmalarining rahbar va mas'ul xodimlari ishtirok etdi.

Ўқув машқининг дастлабки bosqichida mutaхассислар tomonidan quturish kasalligi epidemiologiyasi va epizootiyasi, quturish kasalligining oldini olishda mavjud muammo va kamchiliklar, qarovsiz qolgan hayvonlarni tutish va saqlash chora-tadbirlarini takomillashtirish,



riş, ularni tutish bilan bogliқ muammolar va yana qator masalalarga oid ma'ruzalar tinglandi.

Ikkinci bosqich, ya'ni amaliy qismda qarovsiz hayvonlar tomonidan tan жароҳати olgan fuqarolarga antiрабик va birinchi tibbiy ёрдам kўrsatish bўйича tibbiёт xodimlarining amaliy

## ЎҚУВЧИЛАР БИЛАН СУХБАТ

Миробод тумани "Парвона" маҳалласидаги 213-умумта'лим мактабида "Чоршанба – ёнғинлар профилактикаси куни" доирасида ўқувчилар билан профилактик суҳбат ўтказилди.



T adbirда ўқувчи-ёшларга ёнғинлар, уларнинг олдини олиш, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига амал қилиш, favkulodda vaziyatlar yuzaga kelganda tўғри ҳаракатланиш yuzasidan тушунча va тавсиялар берилди.

Бу каби тadbirlar жойларда давом этирилмоқда.

Жаҳонгир ЭГАМОВ,  
Давлат бошқаруви академияси биносида ЁХТТЭБ мутахассиси, катта сержant.

ҳаракатлари ҳамда касалликка қарши эмлаш бўйича тегишли хизматларнинг ҳаракатлари кўриб чиқилди.

Ш.ҲУСАНОВ,  
Angor tumani FV b'limi бошлиғи, майор.



Савол беринг,  
жавоб берамиз

## Химоя ордери қандай ҳолларда берилади?

*Турмуш ўртоғим оилавий масалалар бўйича мен билан кўп жанжаллашиб, ҳаттоки, тажовуз қилишгача бормоқда. Аёлларнинг ҳуқуқини таъминлайдиган химоя ордери мавжуд эканлигидан ҳам хабарим бор. Ушбу ордер хусусида батафсил маълумот берсангиз.*

Исми сир тутилди.

Химоя ордери – тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчига давлат химоясини тақдим этувчи, хотин-қизларга тазйиқ ўтказаетган ёки уларга нисбатан зўравонлик содир этган шахсга ёхуд бир гуруҳ шахсларга нисбатан қонунда белгиланган таъсир кўрсатиш чоралари қўлланилишига сабаб бўладиган ҳужжат ҳисобланади.

Қонунчиликка кўра, химоя ордери тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчига, шунингдек, ўн саккиз ёшга тўлмаган, жабрланувчиларга нисбатан ёки суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган шахсларга берилади. Сиз оилада тазйиққа учраган бўлсангиз, яшаш жойидаги профилактика инспекторига мурожаат қиласиз. Мурожаатингиз 24 соат мобайнида ўрганиб чиқилади. Кейин жабрланувчи ҳамда зўравонлик содир этган шахслар билан ҳолат юзасидан суҳбат ўтказилди.

Мурожаатни ўрганиш давомида жабрланувчи ва зўравонлик содир этган шахснинг турмуш тарзи, тазйиқ ва зўравонлик содир этилишининг келиб чиқиш сабаблари ва шарт-шароитлари ўрганилади. Зарур ҳолатларда жабрланувчи ва зўравонлик содир этган шахсларни ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш чора-тадбирлари амалга оширилади. Тазйиқ ҳамда зўравонлик ҳолатлари аниқланган тақдирда, 24 соат ичида химоя ордери ўттиз кун муддатгача берилади ва ушбу ордер расмийлаштирилган пайтдан эътиборан кучга киради. Агар хавф ҳали бартараф этилмаган бўлса, химоя ордерининг амал қилиш муддати тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчининг аризасига кўра кўпи билан ўттиз кунгача узайтирилиши мумкин.

**Жасурбек САИДУСАЕВ,**  
**Сергели тумани адлия бўлими ЮХКМ бош юрист-консулти.**

XXI аср – глобаллашув жараёнида ёшларимиз радиотелевидение, матбуот, интернет каби воситалар орқали ахборот ва маълумотлар олиб, ўз билимларини оширишга интиломқдалар. Бу жараёнда, сир эмаски, баъзи бир ақидапараст оқимлар ёшларга мафкуравий таъсир ўтказишга уринмоқдалар.

## ЖАҲОЛАТГА ҚАРШИ МАЪРИФАТ

Шундай экан, ёшларимизнинг она-Ватанга чексиз меҳр-муҳаббати, қадимий бой тарихимиз, қадриятларимизга садоқат туйғуларини шакллантириш, уларнинг онги ва қалбида мафкуравий, маънавий иммунитетни кучайтириш лозим. Токи ёшлар миллий ўзлигини, шу билан бирга, дунёни чуқур англайдиган, замон билан баробар қадам ташлайдиган инсонлар бўлиб етишсин. Ана шундагина жоҳил ақидапарастларнинг "даъват"и ҳам, ахлоқ-одоб тушунчаларини рад этадиган, бизлар учун мутлақо бегона ғоялар ҳам уларга ўз таъсирини ўтказма олмайди.

Ёшлар онгидаги маънавий бўшлиқни тўлдириш, турли тажовуздан ҳамимиз

қилишга бел боғлар эканмиз, биринчи навбатда худбинлик ва лоқайдлик, қариндош-уруғчилик ва маҳаллийчилик, манфаатпарастлик ва коррупция, ўзгаларни менсимаслик каби иллатлардан жамиятимизни бутунлай халос этиш тўғрисида чуқур ўйлашимиз керак.

Илмсиз тараққиёт бўлмайдиган – жаҳолат саодатманд этмайди. Муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, "Жаҳолатга қарши – маърифат"ни қурол қилган аждодларимиздан бизгача етиб келган бой маънавий мерос ўзига хос нажот қалъаси, химоя қўрғони вазифасини ўтайди.

Абу Ҳомид Ғаззолийнинг фикрича, инсонларнинг бутун саодати учун икки нарса

шарт: биринчиси – илм, иккинчиси – амал. Мутафаккирнинг таъкидлашича, инсоннинг бахтли бўлиши учун илмнинг ўзигина етмайди, балки киши илми ёрдамида

**Маънавият дарси**

ҳатто, шеър воситасида муриду шогирдларини тарбия қилганлар. Чунки шеър ин-

сон ботинини, қалбини ўзгартиради, шеър – инсон руҳиятига таъсир қиладиган безавол неъматдир.

Юқоридагилардан хулоса қилиш мумкинки, аждодларимиз маънавий меросини ўрганиш ва ўз навбатида, фарзандларимизни бу улғувор неъматдан баҳраманд қилиш – уларни бугунги кунда бирмунча урчиб бораётган турли зарарли оқимлардан асраб қолишда муҳим тарбиявий омил бўлиб хизмат қилади. Буни ҳар бир ёши улғу инсонлар, ота-оналар, айтиқса, таълим-тарбия соҳасига масъул мутахассислар доимо ёдда тутишлари лозим.

**Баҳодир ВАЛИЕВ**  
**интернет манбалари асосида тайёрлади.**

Поп тумани "Миришкор" маҳалласи ҳудудидаги "Янги Ўзбекистон" массивида "Поп дизайн қурилиш" МЧЖ ва "Ғолиб-Ҳожи-ЭР" хусусий корхонаси томонидан 4 та кўп қаватли уй-жой қурилиши даврида ишчи-хизматчилар билан фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва ёнғин хавфсизлиги таъминлаш юзасидан йўриқномалар олиб борилди.

## ХАВФСИЗЛИК ТАДБИРЛАРИ

Чунки кўп қаватли биноларда ёнғинни бартараф этиш масалалари ёнғин-қутқарув бўлинмалари ходимларидан кўп қаватли биноларда ёнғинларнинг ривожланиш жараёнлари ва хусусиятлари тўғрисида ҳар томонлама билимга эга бўлишни талаб этади.

Шундай экан, бинолар хавфсизлик тизимининг замон талабларига жавоб

берадиган даражага олиб чиқилиши ҳамда ёнғин хавфсизлиги тизимида янгича технологиялардан фойдаланиш одамларнинг ҳаёти ва соғлигини сақлаб қолишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

**Х.ХОЛМАТОВ,**  
**Поп тумани ФВ бўлими НТБ бошлиғи, катта сержант.**

## ОГОҲ БЎЛАЙЛИК!

Бугунги кунда дунёда кечаётган табиий офатлар, техноген авариялар ва ёнғинлар барчамиздан огоҳ ва ҳушёр бўлишни талаб этади. Аввало, ҳар бир фуқаро иш жойида, хонадонидан техника, ёнғин хавфсизлиги қодаларига қатъий амал қилиши зарур.

Унутмаслик керакки, носоз ва қўлбола газ, электр воситаларидан фойдаланиш, ушбу жараёндаги лоқайдлик ёки арзимас бир эътиборсизлик катта талафотлар ёки кўнгилсизликларга олиб келиши мумкин.

Шунинг учун ҳар биримиз мутахассисларнинг кўрсатмаларига амал қилишимиз лозим. Жойларда аҳоли ва ҳудудларни табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлар, ёнғинлардан муҳофаза қилиш бўйича профилактик тадбирлар ташкиллаштирилмоқда. Бунга Тошкент шаҳар, Олмазор тумани "Аллон" МФЙда бўлиб ўтган учрашув тадбирини мисол қилиш мумкин. Мазкур тадбирда маҳалла аҳли билан суҳ-

батлар ташкил қилиниб, фавқулодда вазиятларда ҳаракатланиш юзасидан 100 дан ортиқ фуқарога зарур тавсия ҳамда кўрсатмалар берилди.

Муҳими шундаки, барчамиз ушбу тадбирларда фаол бўлишимиз, юртимиз тинчлиги, халқимиз хотиржамлигини таъминлаш тадбирларига муносиб ҳисса қўшишимиз лозим. Халқимизда "Ўз уйингни ўзинг асра!"-деган доно нақл бор. Зеро, ўз оиламиз, маҳалламиз, қўрғонимизнинг муҳофазасига ўзимиз биринчи галда бурчли эканлигимизни асло унутмаслигимиз даркор.

**Муҳаммад НОРБОЕВ,**  
**Тошкент шаҳар ФВБ ЁН ва ПБ мутахассиси, оддий аскар.**

## ЁШЛАР – КЕЛАЖАГИМИЗ

Бугунги кунда юртимизда ёшларнинг интеллектуал ва ижодий салоҳиятини мустаҳкамлаш, уларнинг мамлакатимизда амалга оширилатган ислохотларга дахлдорлик ҳиссини ошириш борасида муҳим ишлар олиб борилмоқда.

Президентимиз томонидан ижтимоий, маънавий-маърифий соҳалардаги ишларни янги тизим асосида йўлга қўйиш бўйича эътироф этилган 5 та муҳим ташаббус доирасида ёшларга эътиборни кучайтириш, уларни маданият, санъат, жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, ахборот технологияларидан тўғри фойдаланиш кўникмасини шакллантириш, ёшлар ўртасида китобхонликни тарғиб қилиш, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш масалаларига давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилмоқда.

Бугунги кунда юртимизда амалга оширилатган ёшларга оид давлат сиёсати қадимдан ота-боболаримиз томонидан шаклланиб келган асл миллий ва диний қадриятларимизнинг аҳамияти нечоғлик муҳим эканини кўрсатиб бермоқда.

Барчамиз ушбу эзгу амалий саъй-ҳаракатларда янада фаол бўлиб, ёш авлод тарбияси йўлида зиммамиздаги масъулиятли вазифаларни фидойилик билан адо этишимиз лозим. Зеро, ҳар бир ўқувчи, ҳар бир ёш – юртимиз эртасининг эгаларидир. Уларни юксак билим-малакали, она-Ватан ва халқ манфаатлари йўлида садоқат билан хизмат қилишга ўргатиш, онги ва қалбига ватанпарварлик, халқпарварлик туйғуларини чуқур сингдириш лозим. Шундагина таълим-тарбия соҳасида кутилган натижаларга эришамиз, албатта.

**Нодира ҚОРАБОЕВА,**  
**Поп туманидаги 46-умумтаълим мактаби ижодий-маданий масалалар бўйича тарғиботчиси.**



# КЎРИК-ТАНЛОВ

Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳридаги Мудофаа вазирлигига қарашли ҳарбий қисмда Фавқулодда вазиятлар, Мудофаа, Ички ишлар вазирликлари, шунингдек, Давлат хавфсизлик хизмати, Миллий гвардия, Божхона қўмитасининг ҳарбий хизматчилари ўртасида «Абдулла Орипов издошлари» шиори остида кўрик-танлов бўлиб ўтди.



Унда иштирокчилар берилган барча шартларда ўзларининг билим ва кўникмаларини, қобилиятларини намоён этдилар.

Мазкур кўрик-танловда «Қамчиқ» махсус қидирув, ёнгин-қутқарув бошқармаси ходими Довудбек Жархинов ҳам муносиб иштирок этиб, 2-ўринни қўлга киритди.

Тадбир сўнггида иштирокчилар диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

**М.МИНГБОЕВА,**  
«Қамчиқ» МКҚБ жавобгар  
ижрочиси, Ёшлар иттифоқи  
БТ етакчиси, оддий аскар.

## ХУШ КЕЛДИНГ, БАҲОР!

Эгнуда байрамона либос кийган одамлар эрта тонгдан сайилгоҳ томон йўл олишди. Бу ерда дошқозонда сумалак пиширилмоқда. Чунки сумалак сайли Наврўзнинг шоҳона таоми ҳисобланади. Наврўз айёмининг бошланганлигидан дарак берадиган сумалак тайёрлаш маросимининг файзу таровати ўзгача бўлади, албатта.

Азал-азалдан сумалакни, асосан, кекса аёллар, момолар тайёрлашган. Уларга ёш бекалар, янги турмуш қурган келинлар, қиз-жувонлар кўмаклашишган, ўсмир йигитлар эса ўчоққа ўт қалаб туришган. Уни пишириш гаштли ва завқли саналган. Катта базмлар уюштирилган, ўйин-кулги ва шод-хуррамлик авжига чиққан.

Мароқли суҳбатлар шўх яллаларга уланиб кетган.

Сумалак тайёрлаш жараёни бир кеча-кундуз давом этган. Тагига олиб кетмаслиги учун қозонга ёнғоқ ёки тозаланган думалоқ тошлар солиниб, катта капгир билан тинмай кавланиб турилади. Бу жараёнда иштирок этишни ҳамма, айниқса, ёш келинлар, болалар интиқ бўлиб кутишади. Ана шу кезде болаларнинг қувончи еру кўкка сиғмай кетади. Улар учун кўзни қувонтирадиган турли хил баҳорий таомлар, пишириқлар дас-

турхонга кўйилади.

Сумалакка келганлар топганларини дастурхонга ёйиб, барчани меҳмон қилишади. Катта қозон атрофидаги ўйин-кулгилар қадим халқона кўшиқлар хиргойисига уланиб кетади. Ярим тунгача ёки тонггача ухламай қозон кавланиб,

ўйин-кулги, лапарлар авжига чиқади. Ниҳоят, сумалак оби-тобига етгач, усти ёпилиб, атрофи ўраб кўйилади. Эрта тонгдан сумалак очилганда унинг усти турлича чизиқлар пайдо бўлиб қолади. Айтишларича, ҳамма ухлаганда, фаришталар сумалакнинг юзига турли

расмлар чизиб кетармиш, унда ҳар хил яхши амалларнинг тасвири акс этган бўлармиш. Бунинг таърифини табаррук онахонлар айтиб беришади. Кейин сумалак идишларда сузилиб аввал кексалар, хасталари бор хонадонларга, бева-бечораларга тарқатилади. Тотли сумалакни татиб кўрган кексалар «Шу кунларга етказганингга шукур!» – дея шукроналар айтишади.

Ҳа, бу таомнинг ҳикмати ва хислатлари жуда кўп. Кўклам бошланиши билан саховатли бобо Қуёшнинг нурлари барча хонадонларга ёруғлик нурафшонлик бағишлайди. У билан қалбларда қувонч, чексиз шукроналик тилаклари жўш уради.

**А.ЖАВЛИЕВ,**  
Шеробод тумани ФВ  
бўлими бошлиғи, майор.  
**Ф.ЖУМАЕВА,**  
бўлим етакчи инспектори.



## Vaziyat

газетаси

**Муассис:**  
**Ўзбекистон**  
**Республикаси**  
**Фавқулодда**  
**вазиятлар**  
**вазирлиги**

Бош муҳаррир в.б.  
**Азамат СУЮНОВ**

Газета таҳририят  
компьютерхонасида  
саҳифаланди.

Газета ҳар ҳафтанинг  
пайшанба куни чиқади.  
Топшириш вақти — 15:00.  
Топширилди — 15:00.

Навбатчи:  
**Б.ВАЛИЕВ**

Таҳририятга юборилган  
материаллар қайтарилмайди ва  
изоҳ берилмайди.  
Муаллифлар фикри таҳририят  
нуқтаи назаридан фарқланиши  
мумкин.

Газетадан олинган  
материаллар манбаси  
кўрсатилиши шарт.

Газета Ўзбекистон  
Матбуот ва ахборот  
агентлигида 2007 йил  
3 январда 0096-рақам  
билан рўйхатга олинган.  
**ISSN 2091-5292**

**Таҳририят манзили:**  
100084, Тошкент шаҳри,  
Кичик ҳалқа йўли, 4-уй.  
Тел.: (71) 231-96-71  
Телеграмм: (90) 016-87-67

**Индекс:**  
якка обуначилар ва  
ташкilotлар учун – 382

Газета  
"BUSINESS PRINT DESIGN"  
босмахонасида босилди.  
**Манзил:** Тошкент шаҳри,  
Сўғалли ота кўчаси, 5-уй.  
Буюртма №  
Бичими: А3, ҳажми: 2,0 б.т  
Адади — 7200 нусха